АВГУСТ—ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ

ҒЎЗАНИ КЕЧАЮ-КУНДУЗ ҚОНДИРИБ СУҒОРАЙЛИК. ҲАШАРОТЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК. ДАЛАЛАРДА БЕГОНА ЎТ БЎЛМАСИН. ҚАРДОШ ПАХТАКОРЛАРНИНГ ДЎСТОНА МАСЛАҲАТИГА ТЎЛА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 154 (4870).

7 АВГУСТ СЕШАНБА 1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг шу йил 30-31 июлда Қримда бўлиб ўтган дўстона учрашуви якунларини қараб чиқди ва бу учрашувнинг социалистик ҳамдўстлик позицияларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қардош партияларнинг бирлигини мустаҳкамлаш, социалистик давлатлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва уларнинг ташқи сиёсатини мувофиқлаштириб олиб бориш борасидаги аҳамиятига юқсак баҳо беради. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бўлинлигидаги КПСС делегациясининг фаолиятини тўла-тўкис маъқуллайди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси доим шунга асосланадики, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларнинг бирдамлиги ва бирлиги тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашнинг, КПСС XXIV съездининг Тинчлик программасида, бошқа қардош партиялар съездларининг қарорларида, Варшава Шартномаси ташкилоти Сиёсий маслаҳат комитетининг баёнотларида, коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1969 йилда бўлиб ўтган халқаро кенгаши ҳужжатларида илгари сурилган мақсадларни амалга оширишнинг энг муҳим омилидир.

Қримдаги учрашув ҳақидаги ахборотда таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги вақтда халқаро майдондаги ижобий силжишларни мустаҳкамлаш, тузилган битим ва шартномаларни реал мазмун билан тўлдириш, мустаҳкам тинчлик сари янги қадамларни қўйиш учун замин тайёрлаш муҳимдир. Умумевропа кенгаши ишларини муваффақиятли тугаллаш, сиёсий кескинликни юмшатиш билан бир қаторда ҳарбий кескинликни ҳам юмшатиш чораларини кўриш ва империалистик агрессия вужудга келтирган можароларни дарҳол бартараф қилиш бунга ёрдам берган бўлур эди. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Совет Иттифоқи қардош мамлакатлар билан биргаликда актуал халқаро проблемаларни ҳал этишга конструктив ҳисса қўшишга қатъий қарор берганлигини ҳисобга олади.

Қримдаги учрашувнинг якунлари шуни кўрсатиб турибдики, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда барча халқларнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курраши билан, уларнинг ўз тақдирини мустақил равишда ўзи белгилашдан иборат муқаддас ҳуқуқи учун кураш билан узвий равишда бирга кўшиб олиб бориш — социалистик давлатларнинг ўзаро келишиб олинган ташқи сиёсатининг ўзгармас негизидир. Ҳозирги халқаро шароитда жаҳон майдонидаги ижобий силжишларни мустаҳкамлашга ҳалақит бериш учун уринаётган реакцион кучларнинг кирдиконларига нисбатан аввалгидек ҳушёр бўлиб туриш зарур. Социалистик давлатларнинг ташқи сиёсати принципиал синфий сиёсатдир.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шу нарсага катта аҳамият берадики, социалистик давлатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари ўз ҳаракатларини бошқа қардош партияларнинг фаолияти билан доим мувофиқлаштириб олиб боришга, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига негизида жаҳон коммунистик ҳаракати жипслигини мустаҳкамлашга қатъий қарор берганликлари Қримдаги учрашувда яна бир марта намоён бўлди. Халқаро майдонда содир бўлаётган муҳим жараёнлар, антикоммунизмга, буржуа идеологиясига қарши, шунингдек, илмий коммунизмга душман бўлган «сўл» ва ўнг оппортунистик оқимларга қарши кураш вазифалари Компартияларнинг ҳамжиҳатлик билан қиладиган ҳаракатларини янада кучайтиришни, замонамиздаги актуал назарий ва сиёсий проблемаларни коллектив суратда таҳлил этишни тобора кўпроқ талаб этмоқда.

Қримдаги янги учрашув социалистик ва коммунистик қурилишнинг бориши тўғрисида бир-бирларига кенг ахборот бериш, барча энг муҳим соҳаларда социалистик давлатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш борасидаги асосий йўналишларни биргаликда белгилаб олиш имкониятини тутдирди. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси бу ҳамкорлик социализм мамлакатларининг янгидан-янги муваффақиятларга эришувлари учун, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти муваффақиятларини социалистик хўжалик системасининг афзалликлари билан бирга кўшиб олиб бориш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини тўхтовсиз юксалтириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтаради, деб қатъий ишонч билдиради.

Қримдаги учрашув қатнашчилари шу учрашув давомида социалистик давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва идеологик ҳамкорлигини ривожлантириш йўлида янги қадамларни қўйишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар. Бундай тайёрлик ва шу йўлда белгиланган тадбирлар, шу жумладан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг фаолиятини такомиллаштириш масалалари социализмнинг халқаро позицияларини янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси қардош мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг энг муҳим йўналиши, деб таъкидлайди. КПСС марксчи-ленинчи коммунистик ва ишчи партиялар билан бирга социализм мамлакатларининг интернационал бирдамлигини мустаҳкамлаш, социалистик ва коммунистик қурилишда, мустаҳкам тинчлик ўчун курашда уларнинг биргалашиб қиладиган ҳаракатларини мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам куч-ғайратларини ошира беради.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Қримдаги учрашувнинг якунларига юқсак баҳо берибб, бу учрашувда социалистик давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва социализм иши ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб халқаро майдонда қилинадиган ҳаракатларни мувофиқлаштириб олиб боришга қатъий қарор берилгандигини зўр мамнуният билан қайд қилади. Бу учрашув қардош партиялар раҳбарларининг ўртоқларча бевосита алоқалари социалистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам беражагини яна бир марта кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси қабул қилган қарорда Қримдаги учрашувнинг хулосаларини рўёбга чиқариш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАЙЛИК

Август — мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой эканлигини деҳқонлар жуда яхши биладилар. Агар ана шу ойда хотиржамлик кайфиятига берилиб кетилса, эрта кўкламдан то ҳозиргача қилинган меҳнатнинг зое кетиши ҳеч гап эмас. Август ойи давомида ғўза қатор оралари майин тупроқли, нам ҳолда сақланиши, далаларда бирорта ҳам бегона ўтнинг бўлмаслиги керак. Акс ҳолда ҳосилни бой бериб қўйиш мумкин.

Иссиқлик ҳарорати ҳамон юқори бўлмоқда. Шундай экан, ғўзаларни кеча-кундуз қондириб суғоришга алоҳида эътибор бериш зарур. Ғўзанинг кўкига қараб ишни бўшаштириб юбориш мутлақо ярамайди. Ҳар йили йиллик планнигина эмас, социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажариб келаётган колхоз ва совхозларда ғўзани август ойи давомида қондириб суғоришга, парваришга алоҳида эътибор берилади. Ана шундай хўжаликлар далаларида культивация ишлари сира бўшаштирилмайди, пайкалларда бегона ўтларнинг ўсишига йўл қўйилмайди.

Яқинда областимиз пахта далаларида бўлиб, мўл ҳосил учун кураш қандай бораётганлигини кўздан кечирган қардош мусофадош озарбайжонлик пахтакорларнинг вакиллари қўлга киритилган дастлабки ютуқларимизни таъкидлаш билан бирга 400 минг тонналик юқсак социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ҳали далаларда фидокорона меҳнатни давом эттириш зарурлигини кўрсатдилар. Шунингдек, озарбайжонлик дўстларимиз айрим пайкалларда ғўзалар сувдан қолаётганлигини, баъзи жойларда эса бегона ўтлар ўсиб ётганлигини, қишлоқ хўжалик зараркунандалари пайдо бўлмоқдаки, агар бу камчиликларнинг тезда олди олинмаса, ишнинг мушкуллашиб кетиши мумкинлигини кўрсатдилар.

Мўл ҳосил тўплашда ғайрат ва шижоат билан ишлаётган хўжаликлар билан бир қаторда дала ишлари сўръатини бўшаштириб юборган, ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб хотиржамликка берилиб қолган колхоз ва совхозлар ҳам йўқ эмас. Ана шундай жойларда тракторлар тўхтатиб қўйилган. Далада ишлаётган колхозчилар сони камайиб қолган. Ғўзаларни суғоришга аҳамият сусайган. Оқибатда бегона ўт босган, ғўзаси сувдан қолган далалар бор.

Пискент районидаги ҳар иккала «Пискент» совхозида ҳам аҳвол мутлақо талабга жавоб бермайди. Бу совхозларда катта-катта далалардаги ғўзалар сувдан қолиб қовжирайбошлаган. Бир қанча пайкаллардаги ғўзалар эса ишлов тўхтатиб қўйилганлигидан ўсиш ва ривожланишдан орқада қолмоқда. Шунга қарамай, районнинг масъул ходимлари каналларда сув камайиб қолди, деган бўлмағур сабабни рўкач қилмоқдалар. Ваҳоланки район территориясидан ўтган канал ва ариқларда сув тўлиб оқмоқда. Аммо сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, сувчилар ишини яхши йўлга қўйиш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилмаётир.

Районда сувчиларнинг сони 1410 киши ҳисобланади. Бу ерда озарбайжонликлар бўлган кўпи уларга сувчилар сони 1005 киши деб кўрсатилган. Аслида эса далада ишлаётган сувчилар бундан ҳам кам. Баъзи колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, район ташкилотларининг бошлиқлари ҳосилга ҳосил қўшишда масъулиятли давр ҳисобланган шу кунларда ғўза парваришни ва уни кечаси-кундузи қондириб суғориш устидан назоратни сусайтириб юборган эканлар, бунга қандай баҳолаш мумкин.

Янгийўл районидаги кўпгина хўжаликларда далада ишлаётган тракторларнинг камайиб қолгани, чеканка кечикаётганлиги, баъзи далаларда бегона ўтлар кўпайиб кетганлиги, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш қонқарсиз ҳаволда эканлиги озарбайжонлик дўстларимизни ажаблантирмай қолмади. Юқорида санаб ўтилган камчиликлар областимизнинг қатор районларида ҳам содир бўлмоқда.

Августни ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлиги деб эълон қилинганлиги бу ҳайбаракаллачилик эмас. Агар шу ой давомида далаларда фидокорона меҳнат қилмасак, беш ой давомида қилинган меҳнатимиз зое кетади.

Август ойида ғўзаларни ўртача икки марта суғоришимиз, суғоришни беш мартага етказишимиз, талаб қилинган айрим жойларда эса олтинчи суғоришни ҳам ўтказишимиз зарур. Шунингдек культивацияни тўхтатиб қўймайлик. Айниқса, ҳосил олиши жиҳатидан орқада қолаётган майдонларда дала ишлари сўръати ва сифатига алоҳида эътибор берайлик.

Чеканкани тезда тугаллайлик. Бу ишни юқори сифатли ўтказиш билан бирга чилпиб олинган ғўза учларини далаларда қолдириб кетмайлик. Талаб қилинган жойларда қайтадан чеканка ўтказиш ҳам ҳосилни кўпайтиришда катта роль ўйнайди.

Берилган маълумотларга қараганда пахта далаларига қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқаётганлиги, энг хавфли ҳашарот кўсак қурти борлиги аниқланди. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни ҳартарафлама кучайтирайлик. Шу билан бирга бирорта далада ҳам бегона ўт бўлмасин. Ишга яроқли ҳамма одамни сафарбар этиб, карталарни бегона ўтдан тозалайлик.

Дефолиацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш машина йиғим-теримини муваффақиятли адо этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ишда пала-партишликка, кўр-кўрона иш тутишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Далаларга сепиладиган химиявий моддаларни ўз вақтида келтириб қўйиш, уларни сақлашга алоҳида эътибор бериш, қаторларда юриб ишлайдиган дори сепиш агрегатларини ишга тахт қилиш, бу соҳадаги кадрларни ўқитиб ўргатиш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардандир.

Август ойида маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ишни пухта уюштиришлари, ҳаммани мўл ҳосил учун курашга тўла сафарбар этиш тадбирларини кўришлари керак.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қардош республикалар — Тожикистон ССР (раҳбари, Тожикистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири ўртоқ М. З. Зоиров, Туркманистон ССР (раҳбари, «Туркменсельхозтехника» бирлашмасининг раиси ўртоқ А. И. Асланов), Озарбайжон ССР (раҳбари, Озарбайжон ССР совхозлар министри ўртоқ С. Г. Азизов) ўзаро текшириш бригадаларининг иш якунларини тинглади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ватан олдидаги юксак ватанпарварлик бурчларини ҳис этганлари ҳолда далаларда ва фермаларда фикорона меҳнат қилмоқдалар, пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун, мол туёғи ва паррандаларни кўпайтириш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун зўр ғайрат билан кураш олиб бормоқдалар.

Ғўзанинг аҳволи умуман қониқарли бўлиб, ҳамма жойда ғўза туплари серҳосил, мўл ҳосилнинг барвақт етилиши кутилмоқда. Бу эса социалистик мажбуриятларни бажариб, Ватанга камида 4 миллион 750 минг тонна пахта топшириш имконини беради.

Дон, мева, сабзавот, озуқа экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

Ғўзани парваришлаш соҳасида қизғин иш олиб борилмоқда ва шу билан бирга ҳосил йиғимига ҳар томонлама тайёргарлик кўрилмоқда.

Республикадаги колхоз ва совхозлар беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашиб, пилла, дон, бошоқли дон экинлари тайёрлаш йиллик планларини, гўшт, сут, тухум тайёрлаш ярим йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар. Тухум тайёрлаш йиллик плани бажарилиши арафасида турибди.

Пахтакор республикалар меҳнаткашларининг анъана бўлиб қолган социалистик мусобақаси, уларнинг ўз тажрибаларини айирбошлаши, қардошларча ўзаро ёрдами ва мустаҳкам дўстлиги юксак кўрсаткичларга эришишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўзаро текшириш пахтакорларнинг тажрибасини оширади ва мавжуд камчилик ҳамда нуқсонларни тўла очиб ташлаш ва тезроқ бартараф қилишга ёрдам беради.

Қардош республикаларнинг ўзаро текшириш бригадалари бу йил айрим хўжаликлардаги камчиликларни жуда ҳаққоний равишда кўрсатиб бердилар.

Ғўзани ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашда ҳануз нуқсонлар бор.

Бир қанча область ва районлардаги, хусусан Фарғона Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро областларидаги, Ўйчи, Поқарик, Фарғона, Ғузор, Ҳазорасп, Тахтакўпир, Пискент, Гагарин, районлари ва бошқа бир қанча районлардаги кўп хўжаликларда ғўза кеч суғорилмоқда, экин чанқатиб қўйилляпти. Бунинг натижасида ҳосил элементлари тўкилиб кетмоқда. Қўлланиб суғориш орқасида ғўза ғовлаб кетмоқда. Айрим жойларда чеканка қилиш ҳали тамомланмаган. Баъзи жойларда қатор оралариги ишлаш суръатлари бўшаштириб юборилмоқда, ёввойи ўтлар тугатилмаган. Бир қанча хўжаликларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш соҳасидаги ишлар қониқарсиз уюштирилган, шарват усулида суғоришга етарли даражада эътибор қилинмаётир.

Кўпгина колхоз ва совхозларда янги ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик қизитиб юборилган эмас, пахтаси машинада териб олинадиган далаларни ажратиб қўйиш ниҳоясига етказилмаган.

Бундай камчиликлар рўй беришининг боиси шуки, область, район ва хўжаликларнинг айрим раҳбарлари хотиржам ва бепарво бўлиб қолганлар. Улар август ойи ҳосил тўплаш ва сақлашнинг энг масъулиятли даври эканлигини, хусусан бу йил августда ҳарорат ой охиригача жуда баланд бўлишини эсдан чиқариб қўймоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, қишлоқ хўжалик органларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари секретарларига ғўзани парваришлашда ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф қилиш учун зарур чоралар кўришни топширди.

Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой эканлигини эътиборга олиб, колхоз ва совхозлардаги меҳнатга қобилиятли кишиларни дала ишларига кўпроқ сафарбар қилиш, ғўзани ўз вақтида ва қондириб суғоришга, сувдан тўғри фойдаланишга эътиборни кучайтириш, етарли миқдорда сувчилар ажратиб бериш топширилди. Хусусан, ғўзанинг ривожи кечикаётган ва ғўза ғовлаб кетаётган далаларда культиваторларнинг иши устидан контроль кучайтирилсин. Зараркунандалар босган пахтазорларни текшириш пухта уюштирилсин, зараркунандалар ўз вақтида қириб ташлансин. Ҳар бир хўжаликда ғўзани табақалаштириб парваришлашни кучайтириш ва бу билан ғўзанинг ривожидаги қолоқликни тугатиш учун қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин, токи ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмасин, олинган мажбуриятларнинг сўзсиз тўла ва ошириб бажарилиши таъминлансин. Пахтани машинада териб олиш ва ҳосилиқ қисқа муддатларда йиғиштириб олишга тайёргарлик ишлари кучайтирилсин.

Шоли, сабзавот-полиз экинлари ва озуқа экинларининг яхши парвариши қилиниши таъминлансин. Дон учун экилган маккажўхори парвариши кучайтирилсин ва ҳамма жойда маккажўхорини йиғиштириб олиш қизитиб юборилсин.

Дағал ем-хашакни йиғиштириб олиш ва тайёрлаш, сенаж, силос бостириш ва витамин талқони тайёрлаш суръатлари жадаллаштирилсин.

Дала ишларида ва фермаларда банд бўлган колхозчилар ва совхоз ишчиларига, барча ходимларга гоят унумли меҳнат қилиш ва дам олиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилсин. Тракторчилар ва сувчиларнинг иш нормалари қайтадан кўриб чиқилсин ва ишнинг сифатига эътибор берилиб, рағбатлантиришнинг бошқа тадбирлари кенг қўлланилсин.

Область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига қишлоқда ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтириш, колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг меҳнат ғайратини ошириш, улар ўртасида социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш юзасидан беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида олинган мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун курашда коммунистлар ва комсомолларнинг авангардлик ролини кучайтириш топширилди.

Республика газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига қардош республикалардан келган ўзаро текшириш бригадаларининг иш натижаларини матбуотда ёритиш, радио ва телевидение орқали эшиттириш ҳамда 1973 йилда олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун далаларда, ва фермаларда қилинаётган ишларни кенг ёритиш топширилди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ ЛЕ ЗУАН БИЛАН УЧРАШДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 4 август куни Қримда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ле Зуан билан учрашди.

Икки қардош партия раҳбарлари шу йил 17 июлдаги Совет-Вьетнам қўшма баёнотининг кўрсатмаларига асосланиб КПСС билан Вьетнам меҳнаткашлар партияси, Совет Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришнинг бир қанча масалаларини муҳокама қилишди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўртоқ Ле Зуанга қардош партиялар раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган дўстона учрашуви якунларини гапириб берди. Ўртоқ Ле Зуан социалистик мамлакатларнинг шу учрашувда коллектив бўлиб ишлаб чиқилган позициясига ижобий назар билан қараётганлигини айтди, вьетнам халқининг эркинлик, мустақиллик ва социализм йўлида олиб бораётган курашига Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳар доим актив мадад бериб келаётганликлари учун қизғин ташаккур изҳор этди.

Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 5 августда Қримдан Москвага қайтиб келди.

ЭРОН БОШ МИНИСТРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Эрон Бош министри Амир Аббос Ҳувайдо расмий визит билан 6 августда Москвага келди.

Эрон ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Амер Аббос Ҳувайдони СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Учиш майдонида фахрий қоровул саф тортиб турди. Эрон билан Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

Амир Аббос Ҳувайдо А. Н. Косигин билан, совет жангчилари сафи олдидан ўтди.

Дўст мамлакат ҳукуматининг бошлигини аэродромда пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари табриклаб кутиб олдилар.

Ҳурматли меҳмон аэродромдан шаҳарга — ўзи учун ажратилган қарорғоҳга йўл олди.

Автомашиналар кортежи ўтган проспект ва майдонлар Эрон ва СССР давлат байроқлари ҳамда «СССР билан Эрон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!» сўзлари ёзилган табрик транспарантлари билан безатилган эди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁҲАТ

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан СССРда меҳмон бўлиб турган Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Борис Велчев Ўзбекистонга келди.

Меҳмон республика билан танишишни Тошкентдан бошлади. У В. И. Ленин Марказий Музейининг филиалини, Ўзбекистон ССР халқ хўжалик ютуқлари виставкасини бориб кўрди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини ва янги қурилишларини кўздан кечирди. Борис Велчев 6 августда Бухорога учиб кетди. У Самарқандни ҳам бориб кўради. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШИ АРАФАСИДА

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференцияларнинг мураккаб ва мазмунли қилиб ёзилса, қарор конкрет ва аниқ бир мақсадга қаратилган бўлса, сўзга чиққан коммунистлар партия ташкилотининг фаолиятига атрофлича баҳо бериб, аҳволни тўла таҳлил этсалар, бундай мажлис, албатта, катта фойда келтиради.

Қуйида «Узбекшахтострой» трести партия комитетининг секретари Ю. И. Остряков партия группалари, цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва партия конференциясига тайёргарлик юзасидан қандай тадбирлар амалга ошираётганлиги ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Биз ҳисобот-сайлов партия конференциясига тайёргарликни аслини олганда уч ой олдин бошлаб юбордик. Аввало анча мукаммал план тузиб чиқилди. Бу планда фақатгина конференцияга тайёргарлик кўришгина эмас, балки партия группалари ҳамда цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов йиғилишларини юксак савияда ўтказишини таъминлашга қаратилган тадбирларни ҳам амалга оширишни белгилаб қўйдик.

Ўтган йилларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, йиғилиш ва конференциялар арафасида олдиндан белгилаб олинган тадбирларнинг ўз вақтида ва намунали амалга оширилиши таъмин этилса, бундай конференция ва йиғилишлар муваффақиятли ўтади.

Биз ҳозирги кунда бу ишга 200 киши—коммунистларнинг деярли учдан бир қисмини жалб этдик. Агар бундай тадбир— планлар цех партия ташкилотларида ҳам тузиб чиқилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда мажлисга тайёргарлик кўришда иштирок этувчи активларнинг сони бундан ҳам кўп бўлишини тасаввур қилишинг мумкин.

Бизнинг трестимизда 37 та партия группаси ва 16 та цех партия ташкилоти бор. Биз ҳамма ҳисобот-сайлов йиғилишларининг ўтказилиш графигини олдиндан тузиб қўйдик. Йиғилишларда партия комитетининг аъзолари, бўлинмаларнинг раҳбарлари иштирок этадилар. Июнь ойидаёқ партия комитети партия группалари ва цех партия ташкилотлари бюроларининг фаолиятини таҳлил этиб, ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш бўйича кенгаш ўтказган эдик. Ана шу йиғилишда коммунистларнинг — диққат-эътибори партия бюроси составларида ташкилотчилик ва тарбиявий ишларда тажриба орттирган энг яхши ишлаб чиқариш илғорлари сонини кўпайтиришга жалб этилган эди. Ҳар бир йиғилишга коммунистларнинг ўз вақтида ва актив қатнашишларини таъмин этиш зарурлиги уқдирилган эди.

Коммунистлар томонидан билдирилган барча танқидий мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини қатъий назорат қилиб бориш тавсия этилди. Бунинг моҳияти катта албатта. Ирмоқлар қўшилиб, дарёлар ҳосил бўлганидек, кичик-кичик мулоҳаза ва таклифлар асосида партия группалари ва цех партия ташкилотларининг конкрет ҳаракат программалари вужудга келади. Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ўтказиладиган ҳисобот-сайлов йиғилишлари якунини партия комитети йиғилишида ҳам муҳокама қиламиз.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик партия ташкилотининг жанговарлигини кучайтириб, интизомни мустаҳкамлайди, коммунистларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширади. КПСС Марказий Комитети май Пленумида (1972 йил) қўйилган вазифаларни бажариш ҳисобот-сайлов кампаниясига пухта тайёргарлик кўришга ёрдам беради. Бизга қарашли партия ташкилотлари бир-биридан анча узоқ масофаларда, масалан, Жиззах, Гулистон, Бекобод, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарларида жойлашган. Лекин шунга қарамасдан партия йиғилишларининг бирон-бир сабаби кўра ўтказилмай қолиш ҳоллари рўй бергани йўқ.

Мажлисларни тайёрлаш ва уни ўтказиш практикаси ҳам яхшиланди. Кун тартибларида кўриладиган масалаларнинг тематикаси кенгайди, актуаллиги ортди. Фақат кейинги ойларнинг ўзидагина коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик роли, ўрта бўғинга маниёуб раҳбарларнинг роли, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, иқтисодий ўқувни ташкил этишга оид масалалар муҳокама этилди. Айниқса, 1 ва 15-механизациялашган кўчма колонналар 7-автобазанинг кичик механизациялашган участкаси партия ташкилотларида йиғилишлар ўз вақтида ва ишчанлик руҳида ўтиб турибди. Бу партия ташкилотларига Х. З. Хабибуллин, А. А. Акутин, В. Н. Даргель, С. М. Летучев ўртоқлар секретарлик қилмоқдалар.

Деярли барча коммунистлар доимий ёки бўлмаса вақтинчалик партия топшириғига эга. Партия комитети ва цех партия ташкилотлари бу топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиб бориши яхши йўлга қўйилган.

Партия ташкилотининг фаолияти тўғрисида комплекс ҳисоботлар эшитиш яхши натижа бермоқда. Хусусан, 6-қурилиш бошқармаси ва 95-механизациялашган кўчма колонна коммунистлари бундай ҳисоботлардан катта самара кўрдилар.

Бизда ҳар ойда бир марта цех партия ташкилотлари секретарлари иштирокида семинар-кенгаш ўтказиш ва ҳар кварталда бир марта партия группалари раҳбарлари билан семинар-кенгаш ўтказиш одат тусига кирган. Бундай кенгашларда асосий диққат-эътибор партиявий ишдаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилади.

Ҳар бир цех партия ташкилоти бир йилга мўлжаллаб тузилган перспектив план асосида иш олиб боради. Албатта, бу план тузилганда трест партия ташкилотининг уч йилга мўлжаллаб тузилган умумий плани асос бўлиб хизмат қилади. Шунисн диққатга сазоворки, ҳозирнинг ўзидаёқ жуда кўп коммунистлар 1974 — 1975 йиллар учун тузилган перспектив планга ўзларининг қўпгина таклифларини киритмоқдалар. Бу планнинг лойиҳаси махсус комиссия томонидан шу йилнинг 1 октябрига қадар тайёрлаб чиқилади ва партия конференциясида тасдиқланади.

Партия комитетининг фаолиятини тўла таҳлил этиш учун керак бўладиган материалларни тўплаш ва уни умумлаштириш тадбирларини белгилаб чиқдик. Бу ишга жуда кўп коммунистлар жалб этилади.

Ҳисобот-сайлов конференциясига тайёргарлик кўриш юзасидан тузилган планнинг айрим қисмларини келтириб ўтамиз.

1. Маъмуриятнинг хўжалик фаолиятига партиявий раҳбарлик практикаси умумлаштирилади, партия ташкилотининг жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга қаратилган ишлари таҳлил этилади. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилади. Бу тадбирларни амалга ошириш иқтисодий масалалар бўйича трест бошқарувчисининг ўринбосари В. А. Гамулецкий, молия бўлимининг мудири Г. А. Мальцев, экономист бухгалтерлар Сердюкова, Журавлева, Ермолаева, Замятина, Радаева ўртоқларнинг зиммасига юклатилади.

2. Партия ташкилотининг ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги суръатини кучайтириш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг системасини такомиллаштириш, объектларни фойдаланишга топшириш муддатини қисқартириш, қурилиш сифатини яхшилаш ва материалларни иқтисод қилиш бўйича амалга ошираётган тадбирлари таҳлил этилади. Трест бошқарувчиси Л. Я. Терман, трестнинг бош инженери И. М. Монастирский, трест бошқарувчисининг ўринбосари С. Н. Махлягин, қурилиш бўйича касаба союзларининг бирлашган комитети раиси А. Ф. Муравицкий, 6-қурилиш бошқармаси партия ташкилотининг секретари В. Т. Долгих ўртоқлар бу тадбирларни амалга ошириш учун масъул қилиб тайинланганлар.

3. Партия ташкилотининг тарбиявий соҳада олиб бораётган ишлари ҳақида материаллар тайёрланади, партия маорифи системасида коммунистларнинг ўқуви, партия комитетининг, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар, «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти лекторларининг иши умумлаштирилади. Бу тадбирларни амалга ошириш партия комитетининг аъзоси 6-қурилиш бошқармасининг бошлиғи В. С. Шмаков, трест комсомол комитетининг секретари В. Ф. Муснхин, ПТО инженери А. С. Хайруллина, 15-механизацилаштирилган кўчма колонна комсомол комитетининг секретари В. Н. Маленков, 7-автобаза партия ташкилотининг секретари С. М. Летучев ўртоқлар зиммасига юклатилади.

Ҳисобот докладининг бу қисмини тайёрловчи комиссия аъзолари орасида Журавлева, Замятнна, Лим, Нестеров сингари оддий коммунистлар ҳам қатнашадилар.

Ҳисобот-сайлов партия конференциясига тайёргарлик кўриш бўйича ҳаммаси бўлиб тўртта комиссия тузилган. Юқорида айтилган комиссиялардан ташқари партия сафларининг ўсиши, ёш коммунистларни тарбиялаш, партия мажлисларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш ҳамда касаба союз ва комсомол ташкилотларига раҳбарлик қилиш бўйича бажарилаётган ишларни текширадиган ва таҳлил этадиган комиссия ҳам бор.

Бу комиссияга партия комитети секретарининг ўринбосари Л. А. Ольховик раҳбарлик қилади. Ташкилий-партиявий ишлар бўйича методик советнинг аъзолари, энг актив коммунистлар, масалан, К. Т. Зубов, В. А. Саладьев, Т. Ф. Дорожкина, А. Т. Курбатов сингари ўртоқлар бу комиссияга ёрдам берадилар. Ҳаммаси бўлиб комиссия составида 26 киши бор.

Жамоатчи активлар ҳам ҳеч шубҳасиз ҳисобот доклади учун материал тўплашда бизга катта ёрдам берадилар. Биз ишонамизки, докладда партиявий-оммавий сиёсий ишлар атрофлича, ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил қилинади, коммунистларни тўлқинлантирадиган масалалар ўртага ташланади. Докладда ютуқлар билан бирга партиявий ишлардаги камчиликлар, партия комитети аъзолари фаолиятидаги айрим нуқсонлар ҳам рўй-рост кўрсатилади.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши билан боғлиқ бўлган барча зарур материалларни пухта ўрганиб ўз вақтида умумлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Махсус комиссия ҳисобот доклади ва конференция қарорининг лойиҳасини тайёрлайди. Бу комиссия составига ўн киши киритилган. Комиссияни бошқариш менинг ўзимга топширилди.

Конференцияни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ташкилий масалалар ҳам диққат-эътиборимизда бўлади. Барча коммунистлар мажлислар ва конференциянинг қачон ва қаерда ўтказилишидан олдиндан хабардор қилинадилар. Конференция ўтказиладиган хоналарни яхши жиҳозлаймиз, турли шиорлар, плакатлар, партия ташкилотининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи махсус стенд ва диаграммалар билан безатамиз.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари партия ташкилотлари ҳаётида катта ва муҳим воқеадир. Биз бу йиғилишларга пухта тайёргарлик кўриш, уларни партия XXIV съезди талаблари асосида юксак савияда ўтказиш учун барча зарур тадбирларни кўрамиз.

Ю. ОСТРЯКОВ,
«Узбекшахтострой» трести партия комитетининг секретари.

МЕҲНАТ Қизил Байроқ ордени кавалери Тамара Бегматова Чирчиқ пойафзал фабрикасининг зарбдор ишчиларидан. А. Девятова, Л. Казанцеваларнинг ватанпарварлик ҳаракатига қўшилиб, нормасини 150 процентга етказиб адо этаётган бу меҳнатсевар аёл куни кеча беш йиллик шахсий мажбуриятини шараф билан бажарди.
В. Тюргашкин фотоси.

ПАРТИЯ ҲУЖЖАТЛАРИ АЛМАШТИРИЛМОҚДА

Фрунзе район партия комитети Тошкент тўқимачилик комбинатида партия ҳужжатларининг алмаштириши қандай бораётганлиги билан танишиб чиқди. Корхона партия комитетида уч ҳафта мобайнида коммунистлар билан 40 мартадан кўпроқ суҳбат ўтказилган. Бу эса коммунистларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий активлигини оширишга ёрдам берган. Юзлаб коммунистлар донгдор тўқувчилар Л. Казанцева билан Е. Губинанинг издошлари бўлишган, ёшларнинг мураббийларига айланишган. Партия ҳужжатларини алмаштириш бутун жамоатчиликда меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ўсган бир вазиятда ўтмоқда.

Район партия комитетининг бюроси комбинат партия комитетига партия ҳужжатларини алмаштириш жараёнида коммунистлардан тушган таклифларнинг бажарилишини таъминлашни, ана шу ҳақда партия йиғилишларида мунтазам равишда ахборот беришни таклиф қилди.

(ЎзТАГ).

БИНОКОРЛАР ҒАЙРАТИ

«Узбекшахтострой» трести областимизнинг пешқадам қурилиш ташкилотларидан бири ҳисобланади. Унинг аҳли ва меҳнатсевар коллективи зиммасига юклатилган барча вазифаларни ғиёдаси билан адо этиб келмоқда. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида ҳар йилгидек юксак меҳнат кўрсаткичларига эришиш учун социалистик мусобақани авж олдираётган трест бинокорлари ой сайин катта-катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Қурилиш жараёнларини тинмай механизациялаш, кичик механизация воситаларидан самарали фойдаланиш, илғор усуллар ва прогрессив технологияни кенг қўлланиш туфайли шу йилнинг ўтган етти ойида қурилиш-монтаж ишлари топшириғи ғиёдаси билан бажарилди. План 105 процентдан ошириб ўдидирилди. Коллектив эришган бу муваффақиятларга аксариятқурилиш бошқармаларининг коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Трест бинокорлари бу йил 40 минг квадратметрдан кўпроқ уй-жойларни фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган вазифани муваффақиятли бажармоқдалар. Ўтган ярим йилда умумий фойдали майдони 24 минг 143 квадратметр бўлган уй-жойлар қўлдан чиқарилди. Ярим йиллик топшириқда ҳаммаси бўлиб 15870 квадрат метр турар жойни қуриш назарда тутилган эди.

Трестнинг меҳнатсевар бинокорлари шу кунларда ҳам зўр ғайрат-шижоат ва кўтаринки руҳ билан бунёдкорлик ишларини олиб бораётирлар. Қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун барча имкониятлар ва резервлардан фойдаланмоқдалар, социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтаришяти.

Сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва сиёсий ташкилотчиларга ёрдам

ШУ КУНГИ СУҲБАТЛАРНИНГ ТЕМАТИКАСИ

Йилнинг етти ойи ўтди. Ўтган давр бутун совет халқининг фидокорона меҳнати, зўр сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги, йиллик плани муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасининг авж олганлиги билан характерланади.

Пойтахт область ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим турдаги кўпчилик маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича шу йилнинг етти ойлик планини муддатидан олдин — 25 июлда бажардилар. Июль ойида мамлакатга ўнларча миллион сўмлик қўшимча маҳсулот етказиб берилди. Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам зиммага олинган мажбуриятларни бажариш учун астойдил ишламоқдалар.

Мамлакатимизнинг халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида эришаётган жуда катта муваффақиятлари умумхалқ социалистик мусобақасига сезиларли ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Польша, ГДР, ГФР, АҚШ ва Францияга қилган сафарлари тинчлик ишига жуда катта ҳисса қўшди. Бу сафарларнинг якунларини бутун Совет халқи қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Давримиз — халқаро ва ички воқеаларга жуда бой. Меҳнаткашлар - коллективлари, турар-жойларда оммавий-сиёсий иш олиб бораётган ўн мингларча активистлар ана шу воқеаларни, партия ва ҳукуматимизнинг ички ҳамда ташқи сиёсатини оммага кенг тушунтирмоқдалар, янгидан-янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқдалар.

Партия ташкилотларининг шу кеча-кундуздаги асосий вазифаларидан бири барча сиёсий ишларни хўжалик ишлари билан бирга боғлаб олиб бориш, кишиларнинг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини КПСС XXIV съезди қарорларини, беш йиллик нинг ҳал қилувчи учинчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этишдан иборат.

Шу кунларда барча ташвиқотчи-тарғиботчи кадрлар учун семинар утказиш мақсадга мувофиқдир. Семинарда «Халқаро-чи-сиёсий ахборотчи». («Агитатор» журнали, 13-сон, 3-5-бетлар) ва «Психологияни ҳисобга олиб» («Агитатор журнали, 13-сон, 48-50-бетлар) мақолаларидан фойдаланишни тавсия этамиз.

Август ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланиш мумкин:

МАМЛАКАТ ИЧКИ ҲАЕТИ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Киев шаҳрида Украина ССРга «Халқлар дўстлиги» ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқи. (Марказий, республика ва область газеталари, 27 июль). **СССР Олий Совети VI сессиясининг материаллари,** (Марказий, республика, область газеталари, 18—21 июль).

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1973 йилнинг биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида. СССР МСБ ахбороти. (Марказий республика ва область газеталари, 25—26 июль).

Узбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1973 йилнинг биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги МСБ ахбороти. (Республика ва область газеталари, 26 июль).

Бутуниттифоқ физкультурачилар куни — 11 август. (Вақтли матбуот, «Агитатор» журнали, 14-сон, 50-52-бетлар).

Объектларни ўз вақтида ишга тушириш — асосий масала. Қурувчилар кунига бағишланади. 12 август. («Агитатор» журнали, 13-сон, 26-27-бетлар).

Ватанимиз ҳаво марраларининг қўриқчилари. СССР ҳаво флоти кунига бағишланади. 19 август. («Агитатор» журнали, 14-сон, 47-49-бетлар).

Шахтёрларнинг қўшимча плани. Шахтёрлар кунига бағишланади. 26 август. («Агитатор» журнали, 14-сон, 27-28-бетлар).

МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАЕТИ

«Партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети декабрь (1972) йил Пленуми қарорлари асосида капитал маблағлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» Узбекистон КП Марказий Комитети XI пленумининг қарори. (Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Партия турмуши» журнали, 7-сон, 3-8-бетлар).

Капитал маблағлардан фойдаланишни яхшилайлик. (КПСС Марказий Комитетининг «Партийная жизнь» журнали, 13-сон, 9-15-бетлар).

Ижтимоий бойликни кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик. («Агитатор» журнали, 13-сон, 21-23-бетлар).

Оммаммнг жонли ижоди. («Узбекистон коммунисти» журнали, 7-сон, 40-47-бетлар).

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширайлик. («Экономика ва жизнь» журнали, 6-сон 2-6-бетлар).

Бир минут. Факт ва рақамлар. (Ўзбекистон агитатори» журнали, 13-сон, 17-21-бетлар).

Ишлаб чиқаришнинг интенсивлашишнг катта резерви. («Налитическое самообразовайие» журнали, 7-сон, 51—58-бетлар).

Пахтачиликка янги техника ва илғор технологияни жорий этишнинг иқтисодий асослари. («Узбекистон коммунисти» журнали, 7-сон, 56-62-бетлар).

Деҳқонларнинг зарбдор вахтаси. (Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Партия турмуши» журнали, 7-сон, 46—49-бетлар).

Чорвачиликни ривожлантиришга — доимий эътибор. (КПСС Марказий Комитетининг «Партийная жизнь» журнали, 14-сон, 27-30-бетлар).

Чорвачилик резервларини ишга солайлик. («Узбекистон агитатори» журнали, 14-сон, 3-8-бетлар).

Сўз ва иш билан. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг қишлоқ агитколлективи ҳақида). «Агитатор» журнали, 1-сон, 51-58-бетлар).

МАМЛАКАТ МАДАНИЙ ҲАЕТИ

Маданий мерос тўғрисида Ленин таълимоти ва ўзбек адабиётн тарихининг баъзи масалалари. («Узбекистон коммунисти» журнали, 7-сон, 63-68-бетлар).

Муҳаббат ва ақл иттифоқи. Оилада тарбия масалалари («Агитатор» журнали, 13-сон, 17-20-бетлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Ленинча тинч-тотув яшаш сиёсати. (КПСС Марказий Комитетининг «Партийная жизнь» журнали, 13-сон, 3-8-бетлар ва 14-сон, 3-8-бетлар, «Мировая экономика и международные отношения» журнали, 7-сон, 3-15-бетлар, «Политическое самообразованис», 7-сон, 42-50-бетлар).

Интернационал алоқалар мустаҳкамланмоқда. («Агит а т о р» журнали, 13-сон, 39-41-бетлар).

Коммунистлар кучи — бирликда. («Узбекистон агитатори» журнали, 13-сон, 3-9-бетлар).

Жаҳон социализм ва миллий озодлик революциялари. («Коммунист» журнали, 8-сон, 42-54-бетлар).

ЭСЛАТМА: суҳбатлар ўтказилаётганида вақтли матбуот материаллари, маҳаллий факт ва мисоллардан фойдаланиш тавсия этилади.

БЕКОБОДЛИКЛАР ҲИММАТИ

Бекобод шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этмоқдалар. Улар ярим йиллик планидагидан ташқари 1136 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришди. Шу йилнинг биринчи, ярмида давлат плани 105 процент қилиб адо этилди ва қўшимча 1343 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Саноатчилар июль ойида ҳам баракали меҳнат қилдилар. Ойлик топшириқдагидан ташқари юзларча минг сўмлик турли-туман саноат маҳсулотлари, жумладан, кўплаб металл прокат, цемент, шифер ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

Шаҳар саноатчилари эришган бу меҳнат муваффақиятларида Бекобод металлургия заводи, цемент комбинати ва бошқа корхоналар коллективларининг салмоқли ҳиссаси бор. Бу етакчи корхоналар ишчи-хизматчилари ўзаро социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришиб, давлат планларини ой сайин ғиёдаси билан адо этмоқдалар.

Шаҳар саноатчилари шу кунларда янги-янги зафарларни қўчиш учун ҳиммат камарини маҳкам боғлаб меҳнат қилмоқдалар. Бу хайрли ишда уларга муваффақиятлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

ОҚСОҚОЛЛАР МАСЛАҲАТИ

Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги меҳнаткашлар депутатлари Ленин қишлоқ совети ижроия комитетининг раиси Фавзия Абдуллаевна Сайфуллинага СССР халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг олтин медали топширилди, бутун қишлоқ совети эса халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг фахрий дипломига сазовор бўлди. Депутатларга бундай юксак мукофот ер ҳақида, қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-маиший шароитларини яхшилаш, далаларнинг ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилганликлари учун берилди.

Қишлоқ совети территориясида тўрт хўжалик бор. Бу қишлоқда ер азалдан ҳайдалиб келинмоқда, ҳар бир яроқли участкадан фойдаланилмоқда. Лекин ўтган йил депутатлар ерни эҳтиёж қилиш ва ундан рационал фойдаланиш учун бошланган Бутуниттифоқ юришига қўшилиб, резервларни қидириб топдилар. Оқсоқоллар — советнинг штатсиз ёрдамчилари уларга қандай иш кўриш кераклигини кўрсатдилар.

Свердлов номли колхознинг собиқ бригадири ҳозирги вақтда пенсионер. Ленин ордени кавалери Ҳайдарали Қамбаров, унинг ўртоқлари — оқсоқоллардан Абдукарим Холиқов билан Ҳайитбой Давлатов ўтган йилнинг бошларида Фавзия Абдуллаевна ҳузурига келдилар. Улар хўжаликларнинг экинбоп ерлари карталарини синчиклаб ўрганишни таклиф қилдилар. Бу таклиф қабул қилинди. Қишлоқ хўжалиги бўйича депутатлар комиссияси ишга киришди. Комиссия составига Ленин номли колхоз бош агрономи Парпи Тўхтаев, Свердлов номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Мавлуюд Кукарадзе, колхоз тракторчиси Маҳмуд Турсунов ва бошқалар кирди.

Депутатлар комиссияси н и н г аъзолари теварак-атрофдаги хўжаликларнинг барча далаларини кезиб чиқдилар, экин экиладиган карталарини синчиклаб ўргандилар. Суғориш шахобчалари дамбаларнинг бўйларида кўплаб ер бекор ётганлиги, баъзи йўлларнинг четларида бўш жойлар колиб кетганлиги маълум бўлди. Бу ерларга сув чиқарилса, ана шу умумдор ерларда ҳам пахта етиштириш мумкин.

Депутатлар қидирувнинг натижалари бундай қараганда катта эмасдай туюлади. Уларнинг талаби билан бу йил 86 гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Лекин хўжаликларнинг пахтакорлари беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида ҳар гектар ердан ўттиз центнердан пахта етиштириш учун қурашаётганликларини назарда тутсак, бу ерлардан қариб уч юз тонна «оқ олтин» олиш мумкин. Экономистларнинг ҳисоблашича, совет депутатларининг бу яхши иши камида 20 минг сўм даромад келтиради.

Ленин қишлоқ советига Фавзия Абдуллаевна 18 йилдан бери мудом бошчилик қилмоқда. Бу қишлоқ Совети — Узбекистондаги энг яхши советлардан биридир. Бу ерда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тўғрисида эмас, шу билан бирга қишлоқ йил сайин шаҳардан камроқ фарқ қилиши учун ҳам ғамхўрлик қилинмоқда. Совет территориясида сўнгги йиллар мобайнидагина 540 ўқувчига мўлжалланган типовой мактаб, иккита саккиз йиллик мактаб қурилди, фельдшер—акушерлик пункти очилди. «Северний маяк» совхозида депутатларнинг кўмаги билан айниқса катта қурилиш ишлари олиб борилди. Бу ерда ҳаммом, водопровод, автомат телефон станцияси ишга туширилди. Поселка кўчалари асфальтланди.

Ю. ЮДИН,
Узбекистон информац и о н агентлигининг мухбири



ҲАЛ қилувчи йилда «Ташхимсельмаш» заводининг коллективи трактор ёрдамида ғўзаларни дефолиация қиладиган «ОПХ-14» маркали аппаратлардан 4000 тасини ишлаб чиқаради. Суратда: илғор контролерлардан И. Стрельников ва Л. Головина ўртоқлар янги тайёр бўлган аппаратлар сифатини кўздан кечиришмоқда.
В. Сироткин фотоси.

ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИ ЙЎҚОТИНГ

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

Баҳорда ва ёз ойларидаги обҳаво шароити ғўза ва бошқа экинларда зараркунандаларнинг кўплаб вужудга келиши ва тарқалишига олиб келди. Ғўза унаб чиққан даврларда шира, трипс ва ўргимчаккана каби зараркунандалар кўплаб тарқалди. Июль ойининг иккинчи ярмидан бошлаб эса ғўзаларда кўсак қурти кўрина бошлади.

Бу хавфли зараркунандаларнинг кўпайиши ва кенг майдонларга тарқалиши экинларнинг кўплаб зарарланишига, ўсимликнинг ўсишдан қолишига ва ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг пайдо бўлиши янгилик эмас. Уларга қарши кураш учун олдиндан ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. Пуркагич асбоблар ремонтдан чиқарилди, заҳарли химикатлар келтирилди. Қишлоқ хўжалик авиацияси, мутахассис ва механизатор кадрлар тайёрланди, буларнинг ҳаммаси ғўза ва бошқа экинларни зараркунандалардан ўз вақтида ҳимоя қилиш имконини беради. Мўл ҳосил учун масъулиятни чуқур ҳис қилган жойларда зараркунандаларга қарши кураш пухта уюштирилган.

Барча пахта майдонлари заҳарли химикатлар билан ишланди, зараркунандалар пайдо бўлган жойларга биринчи навбатда эътибор берилди, шира, трипс, ўргимчаккана ва кўсак қуртининг тарқалишидан ҳимоя қилинди.

Аммо, дастлабки пайтларда амалга оширилган бу тадбирлар ўсимликларни ҳимоя қилувчи мутахассислар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва агрономлари ўртасида хотиржамлик кайфиятлари пайдо бўлишига олиб келди. Июль ойи охирларига бориб, зараркунандаларнинг пайдо бўлишини кузатишга доир ишлар бирмунча сусайтириб юборилди. Бу ҳол экинларнинг ҳолатида дарҳол кўзга ташланди. Бир қатор колхоз ва совхозлар далаларида ўргимчаккана шунингдек, кўсак қурти тарқалишига олиб келди. Бекобод районидаги «Ленинград», Ойбек номли, 3-«Далварзин» совхозлари ва «Победа» колхозининг баъзи майдоларида кўсак қурти ва ўргимчаккана пайдо бўлганлиги аниқланди.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг 6, 7, 9 ва 10-бригадаларида, Калинин номли совхознинг 1 ва 3-бўлмларида, Киров номли ўқув-хўжалигининг баъзи бригадалари пахта майдонларида ўсимлик 25—40 процентгача, картанинг эса 5—15 метри ўргимчаккана билан зарарланган. Бу хўжаликларда, шунингдек, кўсак қурти пайдо бўлган жойлар ҳам аниқланди.

Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхознинг 4-бригадаси, Охунбобоев номли колхознинг 3 ва 5-бригадаларининг пахта майдонларида ҳам ўсимлик 15—20 процентгача кўсак қурти билан зарарланган. Бўка районидаги Фрунзе номли, Карл Маркс номли, Оққўрғон районидаги «Коммунизм», Навоий номли, колхозлар. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, шунингдек, 1 ва 2-«Пискент» совхозларида ҳам ўргимчаккана ва кўсак қурти пайдо бўлган жойлар бор.

Шу кунларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларини ўз вақтида йўқотиш учун қўшимча тадбирларни зудлик билан амалга ошириш зарур. Чунки, заҳарли химикатларни ғўзаларга сепиш муддати 12—15 августдан кечикмаслиги керак. Ана шу муддатда қишлоқ хўжалик зараркунандалари қириб ташланиши керак.

Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун августнинг биринчи ўн кунлигида пахта майдонларини ёппасига камида икки марта қўшимча кузатиб чиқиб, қайси жойда озгина бўлса-да, ўргимчаккана ва кўсак қурти пайдо бўлган бўлса, уни аниқ белгилаш лозим. Зараркунандаларни қириб ташлаш учун хўжаликдаги мавжуд барча пуркагич-чанглатгичлардан ва бошқа аппаратлардан тўла фойдаланиш керак. Самолётлар билан ишлов берадиган жойларни аниқлаш ва ишлов беришни бошлаш даркор.

Колхоз ва совхозларнинг заҳарли химикатларга бўлган талабларини аниқлаб чиқиб ва уларни зарур жойларга дарҳол ташиб келтирайлик. Шунинг билан бирга қуйидаги тавсияларга амал қилиш зарур:

Ўргимчаккана унча кенг тарқалмаган бўлса, трактор аппаратлари билан кальтан, акаритокс ва карбофос 0,2—0,8 процент миқдорида аралаштириб, ғўза баргларига қалин қилиб сепилади. Бунда ҳар гектар ерга 800—1000 литр суюқлик пуркалади. Шу билан бирга, дала четларидаги дарахтларни ҳам дорилаш лазим;

самолётлар билан сепиладиган бўлса, БИ-58, Рогор ва бошқа препаратлар ҳар гектар ерга 1,5—2 килограмм ҳисобида сепилади. Агар далаларда кўсак қурти бўлса, 30 процентли ДДТ бир гектар ерга 7 килограмм ҳисобида қўшимча сепилади;

Ўргимчаккана пайдо бўлган дала четларини олтингугурт майдасини тексахлоранга қўшиб (1 гектарга 40—50 килограммдан) сепилади;

кўсак қуртига қарши курашда асосан, 30 процентли ДДТдан фойдаланилади. Ў ҳар гектар ерга 7 килограммдан сепилади. Шунингдек, уни системали таъсир қилувчи фосфорорганик препаратлар, гексахлоран ва олтин гугурт кукуни ҳам қўшилади;

кўсак қуртига қарши самолётлар билан ёппасига ишлов берилганда 12 процентли гексахлоран дусти чангланади, унинг нормаси гектарига 30 килограмм.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари ходимлари, колхоз ва совхозларнинг агрономлари ва мутахассислари! Ҳосилга ҳосил қўшиш ойида ғўза парваришининг тақдири кўп жиҳатдан сизга боғлиқ. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда ва ҳосилни сақлаб қолишда ўзингизнинг барча куч-билим ва тажрибаларингизни ишга солингиз!

П. РАСУЛЗОДА,
ўсимликларни ҳимоя қилиш область станциясининг директори.

Б. ДУБРОВИН,
станция прогноз секторининг раҳбари.

ҒАЙРАТЛАРИ ЖЎШ УРМОҚДА

Бундан икки ой муқаддам бу бригада даласида бўлгандик. Шунда маккажўхорига эндигина биринчи сув таратилаётганди. Экининг ривожи бироз паст эди. Бригадир Люба Ли «Гектаридан 700 центнердан кўк масса етиштириб оламиз» деганда «Катта кетмадингизми?» — деб қўйгандим.

Мана, яна шу даладамиз. Ҳосил чўғи яхши. Ушанда бригада бошлиғи аҳил коллективнинг ғайратига таяниб ғалирган экан. Қаранг, маккажўхорининг бўйлари 3 метрдан ошиб кетган-а! Пайкалларда 2 та агрегат тинимсиз ишлаяпти. Люба Ли ҳам шулар орасида. У иш сифатини текшириб юрибди.

Бунчалик юқори ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Экин ўз вақтида суғорилди, қатор ораларига сифатли ишлов берилди. Натижада пайкалларда мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилмоқда. Бригадада иш пухта ташкил этилган. Колхозчилар ва механизаторлар ўзаро мусобақадош, Б. Мирзаев, Ю. Муҳаев, П. Калугин, Вера Чен, Зоя Когай сингари комсомол ёшлар мусобақада пешқадам.

С. ЎРМОНОВ.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети ва область ижроия комитети 1973 йил июль ойининг иккинчи ярмида озуқа экинларини ўриб-йиғиб олиш ва ем-хашак жамғариш юзасидан районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунларини кўриб чиқиб, қарор қиладилар.

1. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** (район партия комитетининг биринчи секретари **Р. Қамбаров**, район ижроия комитетининг раиси **Б. Тошхўжаев**, қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи **И. Асатов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **В. Колечко**, район комсомол комитетининг секретари **Х. Ҳамидов** ўртоқлар) берилди. Бу район дағал хашак тайёрлаш планини мавсум бошидан бери 142,2 процент, шу жўмладан, сенаж бостириш планини 134,2 процент бажарган, июль ойининг иккинчи ярмида дағал хашак тайёрлашда 12,6 процент, сенаж бостиришда 15,5 процент ўсишга эришган.

Байроқ Бўстонлиқ районидан олиб берилади.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Чиноз районидаги **«Чиноз» совхозига** (директори **Н. Гусаков**, партия ташкилоти секретари **А. Абдумаликов**, ишчилар комитети раиси **А. Макаримов**, бош агрономи **Х. Исмонов**, бош инженери **Т. Жўрабоев**, комсомол ташкилотининг секретари **А. Аглиулин** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз йиллик дағал хашак тайёрлаш планини мавсум бошидан бери 140,0 процент, шу жумладан сенаж бостиришни 289,0 процент бажарган. Июль ойининг иккинчи ярмида ем-хашак тайёрлашда 4,7 процент, силос бостиришда 43 процент, витамин уни ишлаб чиқаришда 11,6 процент ўсишга эришган.

Байроқ Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхозидан олиб берилади.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўка районидаги «Ленинизм» колхозига** (раиси **А. Қурбонқулов**, партия ташкилотининг секретари **Б. Султонов**, маҳаллий комитет раиси **Р. Усмонов**, бош агрономи **А. Жўраев**, бош инженери **К. Ҳошимхонов**, комсомол ташкилотининг секретари **Н. Шаматова** ўртоқлар) берилди. Бу колхоз йиллик дағал хашак тайёрлаш планини мавсум бошидан бери 132,6 процент, шу жумладан сенаж бостириш планини 140,0 процент бажарган, июль ойининг иккинчи ярмида дағал хашак тайёрлашда 11,4 процент, силос бостиришда 45,9 процент ўсишни таъминлаган.

Байроқ Пискент районидаги Свердлов номли колхоздан олиб берилади.

ФЕРМА ПЕШҚАДАМЛАРИ

Сарсенгул Ергенбоева Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхозининг пешқадам сигир соғувчиларидан. У бу йил ҳар бир сигирдан 2650 ўрнига 3100 килограммдан сут соғиб олиш учун курашмоқда. Суратда: С. Ергенбоева.

Турдибувиш Талимбетова ҳам шу совхознинг энг яхши сут соғувчиларидан. У ўз боқимидаги сигирлардан бу йил салкам 53 тонна сут соғиб олишга қарор қилган.

И. Зайниддинов фотолари.

100 ЦЕНТНЕРДАН МАККАЖЎХОРИ ДОНИ УЧУН

Кенг майдонларда бўйи икки метрга етган, ҳар тунида уч-тўртдан сўта боғлаган маккажўхорилар ғиғил шабадада аста тебраниб турипти. Бу майдонлар «Красний водопад» тажриба-синов базасининг маккажўхоризорларидир.

Хўжаликда маккажўхори бригадасига Қория Гуломова бошчилик қилади. Хўжаликда мўл ҳосил етиштириш билан бирга, янги навли уруғлар синаб кўрилади, бошқа хўжаликларга серҳосил уруғлик етказиб берилади.

Аввалги йилларда бригада аъзолари ўттиз гектар ерга «Имеретин» гибриди навли маккажўхори экиб, ҳар гектар ердан 50 центнердан дон олишган бўлса, ўтган йили 37 гектар ерга «Ўзбек-100» навли янги, юқори ҳосилли маккажўхори нави экилди. Бу уруғ Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида етиштирилган. Янги нав ҳар гектар ердан 70 центнердан, айрим карталарда эса 79 центнердан маккажўхори дони олишга имкон берди.

Бу йил эса бригада аъзолари ана шу янги навли маккажўхори уруғини экиб, ҳар гектар ердан 100 центнердан уруғлик маккажўхори дони етиштиришга аҳд қилдилар. Уруғлик республикамиз ва Иттифоқимиздаги бошқа хўжаликларга, шунингдек Ҳиндистонга ва Африкадаги бошқа давлатларга ҳам жўнатилади.

Ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дони олиш бу айтишгагина осон. Бундай катта мажбуриятни уддалаш учун ишнинг кўзини билиш ва катта шижоат кўрсатиб меҳнат қилиш талаб қилинади. Кузда ерни яхшилаб шудгорлашдан, маҳаллий ва минерал ўғитлар ташиб чиқаришдан тортиб, эрта кўкламда ерни экишга пухта тайёрлаш, экишни сифатли ўтказиш ва маккажўхори ниҳолларига ишлов беришни алоҳида диққат билан олиб бориш лозим.

Бригада бошлиғи Қория Гуломова шу хўжаликка яқин Хўжағон қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни битиргандан кейин боғдорчилик ва пахтачилик бригадаларида ишлаган, фермада сут соғувчи бўлган. 1968 йилдан бери эса «Красний водопад» тажрибасинов базасининг маккажўхорикорлик бригадасига бошчилик қилиб келмоқда.

Бригадада бир механизатор ва икки сувчи бор. Амил Назирхонов ўз тракторн билан ер ҳайдашдан тортиб, маккажўхори экиш, қатор ораларини ишлаш ва уни йиғиштириб олиш ишларини механизмлар воситасида бажаради. Фузаил Саидаҳмедов ва Саидрасул Назирҳоновлар эса айни шу кунларда маккажўхориларни қондириб суғоришда катта ғайрат кўрсатдилар. Суғоришдан бошқа вақтларда улар механизаторга ёрдам берадилар.

Бригадада далага маҳаллий ва минерал ўғит ташишга катта эътибор берилади. Ҳар гектар ерга ўн тоннадан маҳаллий ўғит, 400-500 килограммдан суперфосфат солиниб, ер 30—35 сантиметр чуқурликда шудгор қилинади. Маккажўхори экишдан аввал эрта кўкламда яна 20—22 сантиметр чуқурликда хайдалади ва маккажўхори билан бирга ерга азот ўғити ҳам солинади. Маккажўхори қатор оралари 70 сантиметр схемада уялаб экилади. Ҳар гектар ерга 33—35 килограммдан уруғ сарфланади.

Маккажўхори ниҳоллари тўрттадан барг чиқаргандан кейин узунасига ва кўндалангига культивация ўтказилади. Ҳар гектар ерга 150—200 килограммдан азот бериб озиқлантирилади. Ҳар уяда бир-икки ўсимлик қолдириб, ягана қилинади. Шунда ҳар гектар ерда 52—55 мингдан кўчат бўлади.

Маккажўхориларни бутун ёз бўйи тўрт-беш марта суғорилади. Уч-тўрт марта озиқлантирилади. Июль ойи ичида шарбат суви берилади. Қатор ораларининг доимо юмшоқ ва сернам бўлиши таъминланади. Далада бегона ўтлар бўлишига мутлақо йўл қўйилмайди.

— Ҳозир далаларимизда мажбуриятимизга яраша ҳосил тўпланмоқда, — дейди Қория Гуломова, — биз бутун ёз бўйи улкан мажбуриятимизни бажариш учун ҳамма тадбирларни кўрдик. Ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дони етиштирамиз деб сўз берган эканмиз, албатта бунинг уддасидан чиқамиз.

В. УРИЦКИЙ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

БУХАРЕСТ, (ТАСС). Бухарестда иқтисодий ҳамкорлик юзасидан Совет-Руминия ҳукуматлараро комиссиясининг VII мажлиси бўлиб ўтди.

Совет делегациясига СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. А. Лесечко, Руминия делегациясига эса Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари Г. Рэдулеску бошчилик қилди. Комиссия ишида СССРнинг РСРдаги элчиси В. И. Дрозденко иштирок этди.

Комиссия ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга онд бир қанча масалаларни кўриб чиқди. Комиссия халқ хўжалик планларини 1976—1980 йилларда социалистик иқтисодий интеграция ва координациялаш комплекс программасидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда саноатнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни нҳтисослаштириш ва кооперативлаштиришни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берди.

Комиссия мажлислари давом этаётган чоғда РСРда каустик сода, хлор ва хлор ҳосил қиладиган маҳсулотлар (бу маҳсулотларнинг бир қисми СССРга ҳам юборилади) ишлаб чиқарадиган заводни қуришда ҳамкорлик қилиш ҳақида, шунингдек бир-бирларига етказиб берилаётган маҳсулотни кўпайтириш мақсадида нефть химияси маҳсулотининг баъзи турларини ишлаб чиқаришни нҳтисослаштириш тўғрисида ҳар икки мамлакат халқ хўжалиги учун муҳим бўлган битимлар имзоланди.

Комиссия иши дўстона ва тўла ҳамжиҳатлиқ вазиятида ўтди.

АРГЕНТИНА НОРОЗИЛИК БИЛДИРМОҚДА

БУЭНОС-АЙРЕС, (ТАСС). АҚШнинг мувақкат ишлар вакили Макс В. Кребснинг Аргентина ички ишларига ошкора аралашиш йўлидаги уриниши мамлакатда кучли норозиликка сабаб бўлди. Аргентина депутатлар палатаси Аргентина ҳукуматига мурожаат қилиб, Америка дипломатиясининг номатлуб шахс деб эълон қилишга ва уни мамлакатдан чиқариб юборишга даъват этувчи қарорни якдиллик билан қабул қилди.

Расмий манбалардан маълум бўлишича, Макс В. Кребс мамлакат парламентида ажнабий капиталларни миллий экономикага сарфлашни тартибга солиш ва чеклашга, банкларнинг муайян қисмини давлат ихтиёрига олишга ва шу сингари тадбирларга тааллуқли муҳим қонун лойиҳаларини муҳокама қилдирмасликка урингани.

Шу мақсадда у мамлакат молия министрлигига меморандумлар юборди. Аргентина молия министри Хосе Хельбардицнг таъбири билан айтганда, бу меморандумлар «йўл қўйиб бўлмайдиган иборалар»дан иборат бўлган. Х. Хельбард АҚШнинг мувақкат ишлар вакилини ўз ҳузурига чақириб, унга бу мактубларни қайтариб берган, сўнгра ташқи ишлар министрлигига мурожаат қилиб, бундай ҳатти-ҳаракатлар такрорланишига йўл қўймайдиган чораларни кўришни илтимос қилган.

Аргентина ташқи ишлар министрлиги ўз навбатида расмий баёнот эълон қилиб, Америка дипломатиясининг фаолияти муносабати билан «норозилик ва чуқур безовталик» изҳор этган. Министрлик Макс В. Кребснинг Аргентина-Америка муносабатлари учун ғайри қонуний ишлари сабабли мақаррар келиб чиққан оқибатларни ўрганиш билан шуғулланаётганлиги ҳужжатда уқтириб ўтилган.

Перончиялар хустисиалистик партиясининг таниқли арбобларидан бири депутат Альберто Стекко бундай деб таъкидлади: «Биз аргентиналиклар мамлакатимизнинг суверенлиги принципларини бузиш йўлидаги уринишларга муросасозлик билан қарамоқчи эмасмиз».

Аргентина революцион халқ иттифоқи илгор коалициясининг фикрини ифодаловчи матбуот органлари АҚШ элчисининг хатти-ҳаракатларини Аргентинанинг ички ишларига кўпол равишда аралашиш, деб таърифламоқдалар.

Америкининг Буэнос-Айресдаги элчихонаси Аргентина ҳукуматидан кечирим сўрашга мажбур бўлди, АҚШ мувақкат ишлар вакили қилган ҳаракатларни «бундан буён такрорланмайдиган ва таассуфга лойиқ можаро» деб атади.

КАМБОДЖАДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 6 август. (ТАСС). Камбоджанинг ватанпарвар кучлари душманнинг қарши ҳужумларини даф қилиб, стратегик муҳим йўналишларнинг ҳаммасида ҳужум операцияларини муваффақиятли ривожлантирмоқдалар.

Ўтган кунлар мобайнида озодлик кучлари билан Пномпень режимининг қўшинлари Пномпень билан Сайгон ўртасидаги биринчи рақамли йўлда айниқса қаттиқ жанг қилдилар. Мана уч кундирки, ватанпарвардлар Пномпеннинг атиги беш километр шарқи-жанубида мана шу муҳим магистралнинг анчагина қисмини ўз қўлларида ушлаб турибдилар. Пномпень қўшинларининг қўмондонлиги шу йўл яқинидаги Коки ва Дейеф аҳоли пунктларининг қамал қилиб олинган гарнизонларига қўшимча мадад юборди. Душман Америка авиациясининг тўхтовсиз бериб турган мададига таяниб йўлни яна эгаллаб олишга зўр бериб уринмоқда, бироқ ватанпарварлар ҳужумни давом эттирмоқдалар.

Информация агентликларининг берган хабарларига қараганда, ватанпарвар кучлар Камбоджа пойтахтининг бир неча километр жанубидаги Такмау шаҳрида турган Пномпень қўшинлари гарнизонини қаттиқ тўпга тутдилар. Пномпенга олиб келадиган жанубий йўлдаги энг муҳим жой бўлган мана шу шаҳар гарнизонининг солдат ва офицерлари ҳамда техникаси кўп нобуд бўлди. Пномпеннинг 20 километр шарқи-жанубидаги Бассак дарёси бўйида Пномпень қўшинларининг мустаҳкамлаб қўйилган иккита пунктига ҳам қаттиқ ҳужум қилинди.

ЁВУЗЛИК НАТИЖАЛАРИ

ЛОНДОН, 5 август. (ТАСС). Ҳалоқ бўлишдан бир амаллаб қутилиб қолган Антонио номли 15 яшар африкалик бир бола Мозамбикнинг Вирияму қишлоғида Португалия жаллодлари 400 кишини қириб ташлаганлигини ўз кўзи билан кўриб, бу қонли жиноят қай тарзда қилинганлигини айтиб берди.

Антонио ўзининг кўрган бўлганларининг ҳаммасини Лондондаги «Санди таймс» газетасининг мухбири Питер Принглга ҳикоя қилиб берди. Бу мухбир Тете вилоятида Португалия ҳарбийлари қилган йиртқичликлар тўғрисида уч кун юриб материаллар тўплаган эди.

«Португалия қўшинлари, — деган Антонио, — Вирияму қишлоғига тўсатдан бостириб киришди. Улар қишлоқ аҳолисининг ҳаммасини дарров майдонга тўплаб, уларга чапак чалаверинглар деб буюришди. Сўнгра уларни ўққа тутишди. Тўпланганлар орасида кўп кишилар ағдарилиб тушди. Менга ҳам ўқ орқа елкамга тегди, Мен ҳам ағдарилиб тушдим. Солдатлар ҳаммани отиб бўлганларидан кейин отилганлар устига пичан ёйиб ўт қўйдилар. Шу пайт мен ўликлар орасидан сездирмай сиргалиб чиқиб, чаналак ичига яширидим».

«Сўнгра мен солдатлардан бири ёрдам сўраб ёлвораётган яралор бир боланинг олдига келиб уни отиб ташлаганини кўрдим».

Антонио, ўлдирилганлар орасида менинг ота-онам, акам ва еттн яшар синглим ҳам бор эди, деди.

Антонио португалиялик солдатлар ўқидан яраланган 4 яшар укаси Домингос билан Тете шаҳрига келган, шаҳар касалхоналаридан бирининг медицина ҳамшираси уларни топиб олган. Аммо Домингос орадан кўп вақт ўтмай ўлган.

Антонио мухбирга Вирияму қишлоғида ўзи яхши билган ва солдатлар томонидан ўлдирилган кишилардан кўпининг номини айтиб берган.

Мухбир Принглнинг «Санди таймс» газетасида босилган мақоласида бундай дейилади. «Тетеда африкаликлар ва миссионерлар билан учрашиб, текширишлар ўтказиб, шундай қатъий фикрга келдимки, Португалия қўшинларининг Вириямуда қонли ёвузлик қилганликлари рост».

ОККУПАЦИЯЧИЛАРНИНГ ПЛАНЛАРИ

ПАРИЖ, 6 август. (ТАСС). Исроил маъмурлари араблардан босиб олинган ерларда яҳудийларнинг манзилгоҳларини кўпайтирмоқ учун ҳар қандай имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Улар тўғридан-тўғри репрессиялар ва террор қилишдан қайтмаётирлар, ерли аҳоли бўлган арабларни уй-жойларидан ҳайдаб, иморатларини бузиб ташламоқдалар, ҳаддан ташқари катта солиқлар тўлашга мажбур этмоқдалар.

Тель-Авив ўзи оккупация қилиб турган территорияларда яҳудийларнинг манзилгоҳларини ошиғич равишда қурмоқдалар. Чунончи, Сурийдан тортиб олинган Жўлан адирларида қурилган манзилгоҳлар ҳозир 15 тага етди, яқин келгусида яна еттитаси қуриб битказилади. Франс-Пресс агентлигининг берган хабарига қараганда, яқинда Исроилнинг расмий вакиллари келгуси тўрт йил ичида яна қирқта янги манзилгоҳ қуришни мўлжаллаб қўйди.

Бундан ташқари, ҳукмрон ишчи партия раҳбарлиги оккупация қилинган территориялардаги маҳаллий араб аҳолисининг ерларини Исроил гражданларининг сотиб олишига расмий равишда руҳсат беришни таклиф қилди. Босқинчилар ўзларини хўжайин деб ҳис қилмоқдалар, арабларни ўз юртларидан кўчиб кетишга мажбур этмоқ учун кўпдан бери қўлланилиб келган тазйиқ чоралар кўриш Тель-Авивнинг ошкора расмий сиёсатига айланмоқда. Шошмашошарлик билан бундай сиёсат ўтказилаётганлигининг асосий мақсади шуки, улар қилгуликни қилиб қўйиб, мана шундай бўлиб қолди, деб безрайиб турмоқчилар, Яқин Шарқ можаросини тинч ва одилона бартараф қилишни ҳар қандай воситалар билан қийинлаштирмоқчилар.

Гвинея халқининг Португалия колонизаторларига қарши озодлик кураши тобора кескин тус олмоқда. Мамлакат ватанпарварлари Гиледжедаги душман ҳарбий лагерига қарата ўт очиб катта талафот етказдилар. Суратда: Ватанпарварлар Гиледжеда босиб олган душман тўплари.

АФП—ТАСС фотоси.

КУМУШКОН — ОРОМҒОҲ МАКОН

Юқори Чирчиқ районининг тоғ ёнбағрида жойлашган «Кумушкон» дам олиш уйи ўзининг ҳузур бахш этувчи соф ҳавоси, гўзал манзараси билан киши диққатини жалб этади.

— Кумушконни оромгоҳ макон,— деганларча бор дейди дам олаётган 84 ёшлик отахон Ш. Шомақсудов. — Мана мен ҳамсафарим Ўсмон Иброҳимов билан келганимизга бир ҳафта бўлди, жуда мириқиб дам оляпмиз.

Отанинг фикрига кўпгина кишилар қўшилишди. Дам олиш уйига эндиликда фақатгина республикамиздан эмас, балки қўшни республикалардан ҳам турли миллат вакиллари келиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Наманганлик А. Қодиров, татаристонлик Р. Диловарева, қирғизистонлик Ф. Ишмуҳамедов, Олтой ўлкасидан Ф. Шадрин каби дам олувчилар билан суҳбатлашганимизда бу ердаги намунали хизматдан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Дам олувчиларнинг сони сменадан-сменага ортиб бормоқда. Агар дастлабки йилларда бу ерда 300—350 киши бир даврда хордиқ чиқарган бўлса, ҳозир 750 киши дам оляпти.

Дам олиш уйи хизматчилари уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун астойдил ҳаракат қиляптилар. Бу соҳада маданий-оқартув ишлари ташкилотчиси О. Собировнинг муносиб етакчилик роли катта. У турли концерт ва экскурсиялар уюштирмоқда.

— Кумушконнинг келажаги порлоқ, — дейди дам олиш уйининг директори С. Эшонов, — оромгоҳни ободонлаштиришга катта аҳамият бермоқдамиз. Яқин вақтлар ичида чўмилиш ҳавзаси фойдаланишга топширилади. Яна бир қанча тадбирлар амалга оширилади.

«Кумушкон» дам олиш уйи хизматчиларининг коммунистик мўл-кўлчилик яратиш йўлида ҳалол меҳнат қилиб, мазмунли дам олувчиларга тағин ҳам намунали хизмат кўрсатишларига ишончимиз комил.

М. ИБРОҲИМОВ.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН ВИСТАВКА

Чирчиқ шаҳар марказий кутубхонасининг ўқув залида «Ўзбекистон менинг республикам» деган китоб виставкаси очилди. У Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланади. Виставкада Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ва маданиятининг ривожланишига доир анчагина материал тўпланган. Унда «Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида» бўлими анчагина ўринни эгаллайди.

Ўзбекистоннинг янги социалистик шаҳарлари Чирчиқ, Ангрен ва Бекободнинг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар ҳам зўр қизиқиш уйғотади.

О. ЛЕВАК.

ОҒЗАКИ ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИДА

Тошкент темир йўл бўлими станцияларида оғзаки журналлар ташкил қилиб, коллективнинг амалга ошираётган ишлари ва энг яхши кишилар ҳақида суҳбат ўтказиш одат тусига кириб бормоқда.

Яқинда бу журналнинг «Беш йилликни тўрт йилда бажарамиз» деган янги сони тингловчиларга тақдим қилинди. Станция бошлиғи В. Қосимов коллективнинг шу ярим йилликда эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб берди. Коллектив ярим йиллик планини 106,7 процент, асосий юк бўлган кўмир ортиш планини 102,7 процент ado этдилар .Вагонларнинг бекор туриб қолиши 0,5 процент камайтирилди. Уларнинг ҳаммасига социалистик мусобақани яхши ташкил қилиш натижасида эришилди.

Иккинчи ярим йилликда ҳам коллектив олдида катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни бажариш учун барча ходимлар меҳнат активлигини ошириб, фидокорона ишлашлари керак.

Касаба союзи комитети раиси Т. Тўйчиев йигирма ходимга коммунистик меҳнат зарбдори деган унвон берилганлигини хабар қилди. Булар орасида Б. Мирзалиев, поезд тузувчи Д. Галипов, станция хизматчиси Н. Каля, тепловоз машинисти А. Туникова ва бошқалар бор.

Оғзаки журналнинг учинчи саҳифаси санъатга бағишланди. Социалистик мусобақа ғолибларининг талабларига биноан Голуханян, Юдаков, Соловьев-Седой каби совет композиторларининг оммавий қўшиқлари ижро этилди.

М. ДРАПКИН.

ФИДОЙИ ШИФОКОР

Феруза оғриб қолди. Иссиғи 39—40 даража. Ёш она фарзандининг атрофида парвона бўлар, безорталанарди. Болани поликлиникага олиб чиқай деса, дам олиш куни — поликлиника ишламайди. Олиб чиқмаса... нима қилиш керак?

Шу пайт эсига шифокор қўшниси тушиб қолди. Қизчасини болаларнинг фидойи шифокори доцент Маъсума Обидованинг уйига олиб чиқди.

— Вой, нима қила қолди бу жажжи қизимга, — деди доктор. — Ҳозир мен кўриб кўяман. Кира қолинг ичкарига, тортинманг...

Шифокор беморни обдон текширди. Аналгин, пенициллиндан укол қилиб, ёзиб берган дориларни тезда олиб келишни тушунтирди онага:

Тажрибали, камтарин врачнинг кўрсатган ёрдами билан боланинг иситмаси тушиб, чиройи очилди.

Йўқ! Маъсума опа ўз бурчига совуққонлик, лоқайдлик билан қарайдиган баъзи шифокорлардан эмас. Ёшми, қарими, болами — ким бўлмасин қўлдан келган ёрдамини аямайди...

Шифокор бўлиш орзуси билан ТошМИнинг педиатрия факультетига ўқишга кирган М. Обидова 1941 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатди. Орадан кўп ўтмай профессор Р. Гершенович раҳбарлигида «Болалар дистрофиясида қон трансфузияси ва тўқима терапияси» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Кейин Тошкент Давлат медицина институти педиатрия кафедрасининг доценти бўлди. Ҳозирда эса Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг педиатрия факультетида студентларга лекция ўқимоқда.

Олима **медицина мавзуларида** 40 га яқин илмий асар яратди. Мана 15 йилдан буён Октябрь районидаги 5-болалар поликлиникасида консультация беради, республика ва шаҳар санитария маорифи уйлари топшириғи билан шаҳар муассасаларида (завод, мактаб ва маҳаллаларда) болаларда содир бўладиган турли касалликларнинг олдини олиш ва уларнинг келиб чиқиши ҳақида лекциялар ўқийди. Врачларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Хоразмга бориб туради.

Шифокордан: «Ўз асосий ишингиздан ташқари жамоат ишларини бажаришга қандай улгурасиз? — деб сўрасангиз, у: «меҳнат кишини ёшартиради деган нақл бор-ку» дейди, камтарона.

Хасково шаҳридаги болалар бўлимасининг 25 йиллик юбилейига бағишланган илмий-тажриба конференцияси бўлди. Бу анжуманда иштирок этиш учун Ўзбекистондан икки мутахассис — ТошМИ болалар касаллиги кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори М. Нуриддинов, билан доцент Маъсума Обидова Болгарияга йўл олишди. Конференция кўтаринки руҳда ўтиб, унда ҳаммаси бўлиб, 64 та доклад тингланди. Шу жумладан, Маъсума Обидова икки мавзуда доклад қилди.

Маъсума опанинг оиласи зиёлилар оиласидан. Турмуш ўртоғи Иброҳим ака Исмоилов «Узглавтекстильторг»да анчадан бери инженер бўлиб ишлаб келмоқда. Тўнғич фарзанд Осуда она касбини эгаллаб, ҳозир республика эпидемиология ва вирусология институтида ординаторлик вазифасида. Ўғли Саидғани Москвадаги Патрис Лумумба номли университетни аъло баҳолар билан битирди. Ҳозир шу институтда аспирантурада ўқимоқда.

Ж. ПИРМУҲАМЕДОВ.



Куни-кеча пойтахтимизнинг Луначарское шоссесида замонавий усулда қурилган тўққиз қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Янги уйнинг биринчи қаватида «Тошкент» фотостудияси жойлашган.

А. Абалян фотоси.

МЕҲМОН

ҲИКОЯ

Соя-салқин хиёбонни эслатадиган ингичка йўлкадан ҳовли тўрига қараб юрган оқ шоҳи кўйлакли киши тахтадан тикланган, ёзги ой навонд айвон қаршисида тўхтади. Айвон — бири рўпарасида, бири чап қўлда жойлашган икки уйнинг орасида шунчаки тушиб қолган ва энди икки ўртада сиқилиб турганга ўхшарди. Узун халат кийган миқти аёл қўлидаги тахтакачча қора бир латтани ўраб уни ерга ишқалаганча, пол юварди. Аёл оёқ шарпасини эшитдими, бошини кўтарди. Унинг қалин қора сочлари қулоқлари устини тутган, кўзлари катта, чиройли эди...

— Ассалому алайкум...

— Э, Қосим ака, салом алайкум. Келинг...

Аёл остонадан вазмин кечиб, чап қўлидаги уйнинг эшигини очди. Сўнг эса, айвонга қайтди-да, айвон бағридаги очиқ эшик ёнида тўхтади:

— Бибижон, Қосим ака келдилар...

Айвон бағридан кўзойнак тақкан озғин кампир чиқди. У, рангсиз узун кўйлак устидан, калтагина трико камзул кийган, бошини ҳам рангсиз дурра билан ўраган ди.

Кампир беозор жилмайиб, Қосим акага яқинлашди. Расмга кўра, унинг елкаларига қоққанича, кўришган бўлди.

— Қани, марҳамат, — чап қўлдаги ўйга таклиф қилди кампир.

Қосим ака бошини букиб пастак уйга кирди. Икки қават кўрпача ташланган уй тўрига ўтиб ўтирди-да, юзига фотиҳа тортди.

Кампир пойгакдан жой олди. Халат кийган аёл дастурхон ёзиб, иссиқ чой кўтариб келди.

Қосим ака шаҳарда истиқомат қилар, тоҳ бир йил, тоҳ икки йилда ёз пайтлари келиб, уч-тўрт кун туриб кетарди. У ҳар гал қишлоққа ўзи билан бирга уруш тўзонларидан ўтган Акбар отани сғиниб келар, шаҳар шовқинларидан ҳилватда яшаган қадрдони бағрида жони яйраб, кўнгли ёзиларди.

Унинг учун бу сафар қишлоққа келишида одатдагига ўхшамаган ҳолат рўй бераётгандек бўлди.

Акбар ота нечундир уйда йўқ эди. Бунинг устига, меҳмонни бошда ялмайиб кутиб олган кампир, энди пойгакда фаромуш ўтирар, гапга ҳам унчалик рағбати кўринмасди.

— Ота бинойи юрибдиларми?! — оҳиста сўради Қосим ака, беихтиёр оромини йўқотиб.

— Ҳа, шукур... тузук...

Кампирнинг қисқа гапидан кейин, Қосим аканинг юрагига бир қулгула тушиб, ҳаёли бутунлай қочди. Бу отанинг ўзлари қаерда-ю, бу фаромушликнинг боиси нима деб сўрамоқчи бўлди, аммо хаёлдан бирон кори ҳол рўй берганмикин деган гап ўтдию сўрашга кўрқди.

Кампир дастурхонни йиғиштираётиб, чоли эмас, ўғли тўғрисида гап очди:

— Комилжон далага кетган. Бу ёғи, уйга, бирон соатни ўтказиб келар... Сиз унгача бироз даминг изни олинг...

Қосим ака ёстиққа суянди. Бироқ, дам олиш қаёқда дейсиз!

У ичида қонуний бир ҳолат рўй берганини ҳис этаётганига иқрор бўлиб, машъум хабар ҳозир бўлмаса, икки соатдан кейин қулоғига чалиниши мумкинлигига ишонарди. Акбар ота дунё билан демакки, хайрлашган деб ўйлар, олис-яқин хотиротлардан кўнглига ғамгин ҳиссиётлар қуйиларди.

Эшикда, ниҳоят, малла кийтель, сариқ шапка кийган қора, чайир йигит кўринди.

Қосим ака ўрнидан қўзғолиб, йигитни қаттиқ бағрига босди.

Комилжон дераза остига оёқ букиб ўтирди. Қосим ака қадрдон дўстининг ўғли билан дилкаш суҳбат қуришга чоғланиб, узоқ-яқиндан гап бошлади:

— Пахталар бу йил яхшими?!.

— Пахта бу йил яхши. Кўз тегмасин, дала шундай оппоқ...

— Ҳаммасини машинада ерасизларми?!.

— Ҳаммасини десам-ку, ёлғон бўлар, лекин ярмидан кўпини машина теради...

Суҳбат унча қизимади.

Қосим ака ўзининг бу хонадонга кўп йиллардан буён, асосан, Акбар ота билан суҳбатлашиш учунгина келиб-кетганини ҳис этди. Унинг Акбар ота билан гаплашадиган гаплари, одатда, кўп эди. Фақат жанг хотираси эмас, ҳаёт олдида сарҳисоб, турлича турмуш муаммолари устида баҳс, кўнгилда ётган, аммо бошқа бировга айтилмайдиган гаплар... У, Акбар отанинг бошидан сўнг, буёғи қишлоққа умуман келиши даргумон эканлигини сезди. Унга узоқ йўл босиб қишлоққа келиб-кетишида ҳеч қандай маъно қолмагандай бўлиб туюлди. У ўзича бир оқшом тунаб, эртагаёқ шаҳарга қайтиб кетишини ўйлади.

Қосим аканинг ҳарқалай Комилжон билан отаси тўғрисида гаплашгиси йўқ эмасди.

— Ота бинойи юрибдиларми?! — оҳиста сўради у.

Комилжон, худди кампир онаси сингари, қисқа жавоб қилди:

— Ҳа, шукур... тузук...

Қосим ака бехос бўғилди. У, «бўлмаса, қани отанинг ўзлари?!» — деб дангал сўрашни ўйлаб, гапга оғиз ҳам жуфтлади. Аммо, Комилжоннинг бошини буккани, ногаҳон фаромуш бўлиб қолганини кўриб, у яна савол беришга ботинмади.

Комилжон чиқиб кетганидан кейин Қосим ака ёстиққа тағин суянди. Ўзича, «қуёш қайтгач, кўчага чиқсам, одамлардан бирон гап эшитаман», — деган фикрга борди-да, бироз таскин топгандай бўлди.

Қуёш ҳам қайтди.

Қосим ака кўчага чиқди ва тўғри дала тарафга кетди. Узоқдан у қовун полизида ўтирган учта қарияни кўрди. Илдам босиб, уларнинг ёнига келди.

— Э, шаҳарлик аккамулло келган эканлар-ку, биз билмабмиз! — деди Маҳкам бобо исмли кичкинагина чол Қосим акага пешвоз чиқиб, — Қани, э, яшанг!

Қосим ака бу ерда ўтирган қарияларни Акбар ота туфайли танирди. У, ерта ташланган бўйра четига ўтирди-да, ҳали гап бошланмай туриб, қариялардан биттасин: «Акбар отани ҳам бериб қўйдик!» — деб юборишини кутди.

Йўқ, қариялар шаҳар «колхоз бозори»да мева-чеванинг нарху навоси ҳозир қандай эканлигини суриштиришга тушишди. Бу гап тугар-тугамас, пахта устида гап бошлаб, қандайдир Шамсия деган шу қишлоқлик теримчи қизнинг овозаси бу йил баланд эканлигини айтишди. Кейин, ярим соат баҳорги ва кузги пиёз тўғрисида Қосим ака тушунишн қийин бўлган суҳбат борди.

Қариялар бир соатдан кўпроқ давом қилган суҳбатда Акбар отадан чурқ этишмади.

Қосим ака таниш хонадонга йўл олди. Хаёлкаш, андак асабий ҳолатда келаркан, қўққисдан йўл устида у оқ халатли бир аёлга рўпара келди. Аёлни дарҳол танди. Эҳтимолки, ҳозир касалхонадан кимгадир дармон бахш этишга кетаётган шу аёл, қайсидир йили қишлоққа келиб юраги ёмон бўлганида ўзини муолижа қилгани унинг ёдига тушди. У аёл билан тўхтаб сўрашди ва худди шу аснода, оқ халатли аёлдан Акбар ота тўғрисида очиқ сўраса бўлади, бу тиб кишиси, борини айтади деб, ўйлади. Лекин аёл:

— Кечирасиз, шошаяпман, — деди аёл йўлга ғилдиб. Ўзингиз бинойимисиз?! Бинойи бўлсангиз, хурсандман... — дедию ҳаволаган оққушдай Қосим ака ёнидан йироқлашди.

Қосим ака рўшноликка тимсол бўлган оқ халатли аёл изидан ўйчан тикилиб қолди. Тикилди-ю, ўзи ҳеч қачон эътибор бермаган оддий бир ҳақиқатни беихтиёр ҳис этди: Ажабо, биров дунёдан ўтса, у ҳақда «фалончи ўлди» деган совуқ сўзни кимдир айтиши, кимдир эшитиши, наҳотки, шарт бўлса. Тириклар оламида бунга ҳеч қандай зарурат йўқ-ку!

Қосим акага куюниб одамлардан гап кутгани эриш кўринди. У шунингдек, ҳозир, бир оқшом тунаб, эртагаёқ шаҳарга қайтиб кетаман, деган қароридан ҳам айниди.

Қосим ака қишлоқда бамайлихотир уч кун туриб, кейин шаҳарга кетди.

Омон МУХТОРОВ.

ФАН ва ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

КОНСЕРВАЛАНГАН ТУТУН

Польшанинг Жешув областида тутунни суюқ ҳолда ишлаб чиқарувчи корхона ишга тушди. Янги маҳсулот колбаса ва пашлоқ маҳсулотларини дудлашда жуда қўл келмоқда. Янгилик кўпчиликка манзур бўлаяпти. Корхона қисқа вақт ичида суюқ тутун етказиб бериш учун бир қанча мамлакатлар билан шартномалар тузди.

ЯНГИЙЎЛ районидаги Усмон Юсупов номли комбинатнинг теплица хўжалиги ҳар йили 300 тоннадан ортиқ помидор, бодринг ва бошқа сабзавотлар етиштириб келмоқда. Шу йилнинг қиш ва баҳор ойларида теплица хўжалиги савдо ташкилотларига 150 тоннадан ортиқ сабзавот жўнатди. Комбинатда цитрус мевалари етиштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу ерда етиштирилаётган ҳар бир дона лимоннинг оғирлиги 750 граммгача етади. Ушбу суратда комсомол аъзоси Назира Ўтанбоева етилган лимонни кўздан кечирмоқда.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

ЭЛЕКТРОМОПЕД

АҚШнинг «Стельбер сайкл корпорейшен» фирмаси электр билан юрувчи электропед ишлаб чиқара бошлади. Аккумуляторнинг бироз оғирлиги туфайли рамаларини баҳувватроқ ва кенгроқ қилишга тўғри келди. Яхши томони: ҳавони ифлослантирмайди ва овоз чиқармайди. Батареяларнинг энергияси бирнеча ўн километр юришга етади.

БЕНЗИНДА ИШЛОВЧИ УРОҚ

Бензинда ишловчи хонаки чалғи—ўроқ ГДРнинг якка хўжаликлар учун чиқарган яна бир янги маҳсулотидир. Механик чалғи-ўроққа пичоқ ўрнига диск ўрнатилди. Дискни эса 1 литр ҳажмдаги движок ҳаракатга келтиради. Ўроқ-чалғи билан дарахт кўзларини, кичкина дарахтларни кесиш ва ерни юмшатиш мумкин. Ўроқ-чалғининг оғирлиги 5,5 килограмм халос.

СПОРТ

ҲУЖУМЧИЛАР ПАССИВ БЎЛГАЧ...

Мана неча ўйиндирки, СССР терма командаси ҳар сафар майдонга ўзгарган составда тушади. Бирон учрашув йўкки, командамиз составида ҳеч бўлмаганда 1—2 йиннчи ўзгармаган бўлсин. Тренерлар Е. Горянский ва А. Паромоновлар Швеция командаси билан ўтган дам олиш куни бўлган халқаро учрашувда ҳам янги ўйинчиларни синаб кўришди. Жумладан, ҳужум линиясида ҳам янги ўйинчилар майдонга тушди. Лекин очиғини айтиш керакки, бу эксперимент яхши таассурот қолдирмади. Совет футболчилари ҳужумда жуда бўш ўйнадилар, бир неча қулай имконнятлардан фойдалана олмадилар, рақиб штраф майдонида катта меҳнатлар билан яратилган комбинацияларни ниҳоясига етказолмадилар. Бир йилдан бери мағлубият нималигини билмаётган Швециянинг кучли командаси ўйинчилари охирларида ташаббусни қўлга олиб, актив ҳужумга ўтди. Дарвозабон Е. Рудаков маҳоратигина командамизни мағлубиятдан сақлаб қолди. СССР—Швеция футболчиларининг халқаро ўртоқлик учрашуви натижасиз тугади.

* * *

Москва динамочилари ўтган шанба куни Берлинда клубдошлари билан халқаро учрашув ўтказишди. Совет футболчилари 3:1 ҳисобида ғалабага эришдилар.

АУТСАЙДЕРЛАР ҒАЛАБАСИ

Шанба куни мамлакат биринчилиги учун олий лигада учта ўйин бўлди. Бир неча турдан бери мағлубият нималигини билмай, карвонбошилик қилиб келаётган Ереваннинг «Арарат» командаси Львовда «Карпатн» командаси билан учраши. Хавфли зонада қолиб келаётган Львов футболчилари бу ўйинда ҳамжиҳатлик ва аҳиллик билан ҳаракат қилиб, 3:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Тўпларни Хижак, Чорба ва Шпондаруновлар киритишди. Ленинграднинг «Зенит» командаси ҳам бу турда йирик ҳисобда ғалабага эришди. «Зенит» ўз майдонида Донецкнинг «Шахтёр» командасини қабул қилиб, учта жавобсиз тўп киритди. Тўп авторлари: Гончаров (иккита), Трембач. Олмаотанинг «Қайрат» командаси Москвада, маҳаллий «Торпедо» билан учрашиб, 3:1 ҳисобида устунликка эришди.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувини 8 августда Москвада «Динамо» билан ўтказади.

ЛЮБОЕВИЧ ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

Бразилиянинг Петрополис шаҳрида ўтказилаётган зоналараро шахмат турнирида ҳамон югославиялик гроссмейстер Любоевич пешқадамлик қилмоқда. Навбатдаги 3-тур мусобақалари ниҳоятда кескин ўтди. Асосий вақтда фақат иккита ўйин дуранг бўлиб туганди. Мекинг ва Бронштейн 22 юришда, Хуг ва Савон эса 28 юришда дурангга келишдилар. Қолган партиялар кечиктирилди. 8 турдан кейин 6 очко ва 1 кечиктирилган партия билан Любоевич олдинда бормоқда. Мекинг 5,5, Бронштейн 4,5 очкога эга.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телевизион қўғирчоқ театр. 19.05 — Мультфильм. 19.25 — Халқ контроли экрани. 19.55 Ахборот. 20.10 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Кинокўрсатув. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Мультфильм. 11.40 — **Илья Муромец** (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 19.25 — Музиканли программа. 20.00 — Донецк области ватанга рапорт беради. 20.50 — **Рустам ҳақида достон** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Валли, ёшлар. 23.45 — Спорт кундалиги. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.10 — Врач маслаҳати. 19.20 — Кинофильм. 19.40 — Фильм-концерт. 20.30 — Телеспектакль.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 7/VIII да — **Ой тутилган тунда.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Уз ҳоҳиши билан — «ВОСТОК» (жуфт соатларда), ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «МОСКВА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (19.00, 21.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (10.30, 15.00, 19.00);

Дунё — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун);

Иродали қиз — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун);

Беҳуда шов-шув — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун);

Уч мушкетер — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00);

Яшасин севги! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 16.30, 20.45)

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (13.40, 20.00).

ЕЗГИ БИНОДА

Эрамиздан миллион йил илгари — ТЕЛЬМАН номли.

Онтарио бўйидаги саргузаштлар — «РАКЕТА».

Уз ҳоҳиши билан — «ФЕСТИВАЛЬ»;

Иродали қиз — «ХИВА».

Россия салтанатининг тожи ёки қўлга тушмас қасоскорлар — КИРОВ номли.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА 7 АВГУСТГАН 20 АВГУСТГАЧА

ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН ЭСТРАДА ТОМОШАЛАРИ

(2 бўлим)

Қатнашадилар: Бутунитти-фоқ конкурс лауреатлари «ҚИЗЛАР» вокал чолғу ансамбли, «РУС НАҚШЛАРИ» халқ чолғу эстрада ансамбли ва бошқа ижрочилар.

Томошалар кеч соат 7 да (12 ва 19 августда кундуз соат 1 ва 7 да бошланади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЎРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Индекс 64633.
Р. 02578.